MIRISHKOR TUMAN HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tuman Yangi Mirishkor shaharchasi. Tel 652-19-99. faks 652-14-05

2017 yil "17" январ X-98/01 Yangi Mirishkor shaharchasi

Туманда 2017 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомни ижросини таъминлаш максадида "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й, 9-сон, 320-модда) конунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофик тасдиклансин.

3. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофик техник кўрикдан ўтказилсин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортик бўлган, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар- бир йилда икки марта;

ишлаб чикарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташкари) - икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

тиркамалар кўрикка транспорт воситаси- шатакчи учун белгиланган муддатларда;

4. Қарорнинг 3-банди иккинчи хат бошида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта- 1 март- 30 июнда;

иккинчи марта- 1 сентябрь- 31 октябрда ўтказилади.

юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март - 30 июнда ўтказилади.

жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь - 31 августда ўтказилсин.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш юклатилсин.

6. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда техник кўрикдан ўтказилишини, уларнинг техник жиҳатдан созлигини ва ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон карори билан

тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ йиғим ундирилсин.

9. Туман ҳокимининг 2016 йил 4 февралдаги Х-62/2-сонли қарори ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

10 Ушбу қарор ижросини назорат қилишни туман хокимининг биринчи ўринбосари Ф.Нормуродов зиммасига юклатилсин.

11. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Х.Омонов**

Миришкор туман хокимининг
2017 йил 27 январ даги
К-98/01 -сонли қарорига
1-илова

Миришкор тумани худудларида 2017 йил транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

ТАРКИБИ

Комиссия раиси:

Э.Назаров	Туман ички ишлар бўлимининг автомототрнспорт воситаларининг техник холати, улардан фойдалашиш нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат килиш бўлими вакили

Аъзолари

У.Сафаров	Туман Мудофа ишлари бўлими бошлиғи
Р.Бокиев	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги худудидий бўлинмаси ходими
А.Асатов	Жамоатчилик вакили

Миришкор туман хокимининг
2017 йил 27 январь даги
№ 98/01 -сонли қарорига
2-илова

Миришкор туманида мавжуд бўлган ташкилот, корхона ва автохўжаликларга тегишли транспорт воситаларининг 2017 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Автохўжалик ва ташкилотлар номи	Жойлашган манзили	Кўрикдан ўтадиган вақти	Вақти	Кўрикдан ўтадиган жойи	Транспорт воситаси сони
1	Хокимлик	Янги Миришкор шахарчаси	10.04.2016	9-00	Хокимлик гаражида	4
2	Солик инспекцияси	Янги Миришкор шахарчаси	10.04.2016	9-00	Солик инспекцияси гаражида	1
3	Молия булими	Янги Миришкор шахарчаси	10,04.2016	9-00	Молия бўлими гаражида	1
4	Агросуғурта	Янги Миришкор шахарчаси	12.04.2016	9-00	"Миришкор Автокорхонаси" МЧЖ	1
5	Почта алоқа боғламаси	Янги Миришкор шахарчаси	15.04.2016	9-00	"Миришкор Автокорхонаси" МЧЖ	1
6	Тиббиёт бирлашмаси	Янги Миришкор шахарчаси	17.04.2016	9-00	Тиббиёт бирлашмаси гаражида	10
7	ДСЭНБ	Янги Миришкор шахарчаси	17.04.2016	9-00	"Миришкор Автокорхонаси" МЧЖ	2
8	Туман электр тармоқлари	Янги Миришкор шахарчаси	19.04.2016	9-00	Туман электр тармоқлари гаражида	6
9	МКТ Ватанпарвар ташкилоти	Янги Миришкор шахарчаси	19.04.2016	9-00	МКТ Ватанпарвар ташкилоти гаражида	7
10	Миришкор туман ЙХПТФД корхонаси	Янги Миришкор шахарчаси	20.04.2016	9-00	Миришкор туман ЙХПТФДК гаражида	4
11	Сувоқова идораси	Янги Миришкор шахарчаси	19.04.2016	9-00	Сувоқова корхонаси гаражида	2
12	Ғ.Ғулом КНШХ	Аваэчул қишлоғи	28.04.2016	9-00	Ғ.Ғулом КНШХ гаражида	6
13	Оллоберди-мадади ММТП	Жейнов қишлоғи	31.04.2016	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	1

14	"ОСТ-АВТО" МЧЖ	Янги Миришкор шахарчаси	26.04.2016	9-00	"Миришкор Автокорхонаси" МЧЖ	6
15	Миришкор автокорхонаси МЧЖ	Янги Миришкор шахарчаси	26.04.2016	9-00	"Миришкор Автокорхонаси" МЧЖ	26
16	Турон-Миришкор ММТП	Янги Миришкор шахарчаси	07.05.2016	9-00	Турон-Миришкор ММТП гаражида	6
17	Помук Электр тармоқлари корхонаси	Помук қишлоғи	14.05.2016	9-00	Помук электр тармоқлари гаражида	3
18	Миришкор туман ИТБ	Миришкор қишлоғи	10.05.2016	9-00	Миришкор ИТБ гаражида	21
19	УТТ АК-3	Помук қишлоғи	19.05.2016	9-00	УТТ АК-3 гаражида	25
20	Миришкор туман "Қишхужаликкимё" ОХЖ	Жейнов қишлоғи	09.05.2016	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	6
21	"Миришкор машъали" газетаси	Янги Миришкор шахарчаси	10.05.2016	9-00	"Миришкор Автокорхонаси" МЧЖ	2
22	Миришкор туман Инкассация бўлими	Янги Миришкор шахарчаси	11.06.2016	9-00	"Миришкор Автокорхонаси" МЧЖ	3
23	Жейнов-савдо МЧЖ	Жейнов қишлоғи	12.06.2016	9-00	Оллоберди-мадади ММТП гаражида	4
24	Бошқа хусусий корхона ва фирмалар		01.03.2016 йилдан 30.06.2016 йилгача	9-00	Хар қайсисини ўз массивлари гаражида	89
25	Туман фермер хужаликлари		01.03.2016 йилдан 30.06.2016 йилгача	9-00	Хар қайсисини ўз массивлари гаражида	47

Эслатма: Туманда барча шахсий автотранспорт воситалари хар куни соат 8-00 дан 17-00 га қадар ҳафтанинг якшанба кунидан ташқари Миришкор туман ИИБ ЙХХ гурухи майдончасида кўрикдан ўтказилади.

Миришкор туман ИИБ ЙХХГ
катта инспектори сержант Э.Назаров